O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил
31 октябрь
ЧОРШАНБА
№ 89
(11.996)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

ИШОНЧЛИ ҚАЛҚОН

Саҳармардондан шошилинч йўлга тушган тўпчилар машқ майдонига етиб келишганида қуёш терак бўйи кўтарилганди.

– Жанговар марралар эгаллансин!

Тўпчилар қир бўйлаб ёйилиб кетишди. Қисқа фурсатда расчётлар ўт очишга тайёр эканлиги ҳақида бирин-кетин маълумот бера бошлашди.

– «Биринчи» – ўт оч!

– «Иккинчи»...

Қирни оғир тўпларнинг гулдураси босиб кетди. Машқларни аъло даражада бажарган тўп гуруҳлари қўмондоннинг раҳматномасини олишди.

Қуролли кучлардаги ислоҳотлар қудратли ҳарбий техникани пухта эгаллаб олган серҳаракат бўлинмалар шаклланишига олиб келди. Бугун энг янги техника воситаларига эга бўлган қуруқликдаги ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳар қандай топшириқни бажаришга шай. Зобит ва аскарлар дала машқларида жанговар маҳоратларини ошириб бораётирлар. Қуролли кучлар – мустақил Ўзбекистонимизнинг ишончли қалқонига айланди.

СУРАТЛАРДА:

жанговар машқлардан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Россия президентларининг ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалаларига, кўплаб халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлари ўхшашдир. Мамлакатларимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг январь-август ойларида эса ушбу кўрсаткич 2 миллиард 605,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбобускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар ҳамда улардан тайёрланган маҳсулотлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади. Россиядан Ўзбекистонга транспорт воситалари, металлни қайта ишлаш ҳамда кимё ва целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари импорт қилинади. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олди. Бу 2005 йилдаги кўрсаткичдан 3 баравар кўпдир.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони тўрт юз эллиқдан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармояси билан тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Хонобод шаҳридаги "Андижонкабель" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси бугунги кунда самарали натижаларга эришаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. У турли хилдаги замонавий кабелларни тайёрлаш борасида етакчи корхоналардан ҳисобланади.

Ёқилғи-энергетика мажмуидаги ҳамкорлик ҳам диққатга сазовордир. Айни пайтда Ўзбекистонда "Газпром" ва "Лукойл" компанияларининг 2,5 миллиард долларлик сармояси ўзлаштирилмоқда. Таъкидлаш жоизки, соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш, магистраль қувурларни ривожлантириш, янги конларни ўзлаштириш ишларига имкон қадар кўп сармоя жалб этиш Ўзбекистон ва Россиянинг жаҳон энергетика бозоридаги ўрнини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Авиасозлик соҳасида эса ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш икки мамлакат манфаатларига мос фаолиятдир.

Мамлакатларимиз иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, нефть-газ, тоғ-кон саноати, қора ва рангли металлургия, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам амал қилади. Бу йўналишдаги алоқалар ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш, ҳарбий техникани янгилаш, тажриба алмашиш, биргаликда машқлар ўтказиш, коинотни тадқиқ этиш бўйича давлатлараро дастурлар тузиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Мамлакатларимиз кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳанинг бошқа йўналишларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўзбекистонда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали фаолият кўрсатаётгани, ўтган йили М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиали илк талабаларни қабул қилгани бунга ёрқин мисолдир. Жорий йилда пойтахтимизда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиали очилгани мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганидан яна бир далолат бўлди.

Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда. Ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Жамғарманинг ташаббуси билан ўтган йили Москвада Ўзбекистон санъати кечаси, "Иқтисодий мулоқот" Ўзбекистон-Россия ҳамжамиятининг илк ташкилий мажлиси ўтказилди. Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги Антропология ва этнография музейида "Шарқ ҳақида орзу: рус авангарди ва Бухоро ипаги" мавзуида кўргазма ташкил қилинди. Россиялик созанда ва хонандалар ҳар икки йилда Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида, рассомлар эса Халқаро Тошкент замонавий санъат биенналесида мунтазам иштирок этадилар.

Москва шаҳри марказида улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаб тургани, у ерда тез-тез ўзбек рассомларининг кўргазмалари ташкил этилиб туриши, айни чоғда россиялик санъаткорлар юртимизда ижодий сафарларда бўлиб туриши каби кўплаб мисоллар мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамлигидан далолатдир.

Айни вақтда пойтахтимизда Россия Халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик маркази ("Росзарубежцентр") ваколатхонаси, шунингдек, Рус маданият маркази фаолият юритаётир.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида ривожланиб бораверади. Икки давлат раҳбарларининг дўстлиги ва аксарият масалаларда ҳамфикрлигининг самараси бўлган иттифоқчилик муносабатлари келгусида янада мустаҳкамланишига, икки томон учун ҳам фойдали натижалар беришига шубҳа йўқ. Зотан, мамлакатларимизнинг азалий дўстлиги ва ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан мустаҳкамланиб, ривожланиб боришида ШҲТ доирасидаги муносабатлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА шарҳловчиси.

МАСЪУЛИЯТ, ҲУҚУҚ, МАЖБУРИЯТ

Эркин ва очиқ сайловлар демократик жамиятнинг асосий белгиларидан бирдир. Сайлов ҳуқуқларини амалга оширишнинг асосий мақсади – халқ ҳокимиятини таъминлашдир. Айнан эркин оммавий ахборот воситалари туфайли сайловларнинг очиқлиги ва адолатлилигига эришилади.

Бу фикрлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ташкил этилган республика илмий-амалий семинарида алоҳида таъкидланди. «Сайлов жараёнида округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаолиятининг асосий йўналишлари» мавзусидаги семинар икки кун мобайнида юқори савияда ҳамда қизиқарли кечди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, шаҳар ва вилоят сайлов округлари матбуот хизматлари вакиллари, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, олимлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар ҳамда экспертлар иштирок этишди.

Муҳим сиёсий тадбир бўлган сайловни оммавий ахборот воситаларисиз, қолаверса, комиссиялар қошида ташкил этилган матбуот хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар бу жараённинг бир бўлаги ҳисобланади. Шу боисдан уларга катта масъулият, ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади. Семинарни ўтказишдан мақсад ҳам журналистларнинг ана шу уч муҳим жиҳатга тўғри ёндошишларига кўмаклашишдир.

Машғулотлар давомида «Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимларининг конституциявий асослари, бу борадаги миллий ва хорижий тажриба, сайловолди ташвиқотида оммавий ахборот воситаларининг ўрни каби мавзуларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, малакали мутахассислар Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматларининг асосий вазифалари, сайловда маҳаллий ва хорижий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки каби мавзуларда атрофлича фикр юритишди.

Қатнашчилар Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази, Тошкент шаҳри ва вилояти сайлов округлари матбуот хизматлари фаолияти билан таништирилди. Шунингдек, улар айрим сайлов участкаларини бориб кўришлари учун махсус экскурсиялар ташкил этилди.

Семинарга таклиф қилинганлар нафақат сайлов билан боғлиқ бўлган билим ва кўникмаларини оширдилар, қолаверса, даврада ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар асосида Президент сайловига тайёргарлик жараёнларини ёритишни янада фаоллаштириш учун муҳим дастур ва режаларни белгилаб олдилар.

Хуррият МЎМИНОВА.

Фармон ва ижро

ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги сифат даражасига кўтарди. Бунда 1998 йили қабул қилинган Давлат дастурининг энг муҳим қоидалари ва мақсадли вазифалари изчил амалга оширилаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Давлат дастурининг қадамба-қадам бажарилиши натижасида бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига 9613 ўринли 90 та шифохона, 45739 кишини қабул қилиш имконига эга бўлган 360 та амбулатория-поликлиника муассасаси тиббий хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник аҳволи муттасил яхшиланиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ўтган тўққиз ой мобайнида вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларининг бир маромдаги фаолиятини таъминлаш мақсадларига 38 миллиард 616 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш даражаси муттасил кўтарилиб бораётир. Чунончи, врачларнинг иш ҳақи ўрта ҳисобда 2,5 баравар, ўрта тиббий ходимлар иш ҳақи эса, 1,24 баравар ошди.

Сўнгги йилларда вилоятимизда кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, замонавий шифохоналар қурилди. Улар энг янги диагностика-даволаш ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларга янгича моҳият ва суръат бағишлаётир.

(Давоми 2-бетда).

АСКАРЛАР УЙИГА ҚАЙТМОҚДА

Мамлакатимизда тиббий кўрик ва синовлардан муваффақиятли ўтган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш ҳамда йигитлик бурчини ўтаб қайтаётган аскарларни кутиб олиш маросимлари давом этмоқда.

Тошкент марказий йўловчилар темир йўл вокзалида бўлиб ўтган кутиб олиш маросимида сўзга чиққанлар мамлакатимизда Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани, хусусан, ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабати тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидладилар.

– Ўғлим Шуҳратжонни кутиб олгани келдик, – дейди Қ. Аренбоев. – Уни ҳарбий либосда кўриб, жуда қувониб кетдим. Анча ўзгарибди. Кучга тўлибди. Фарзандим Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб қайтганидан хурсандман.

– Хизматни Навоий вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида ўтадим, – дейди қибрайлик А.Қаландаров. – Намунали хизмат қилиб, мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини берадиган тегишли тавсияномага эга бўлдим. Энди берилган бу имкониятдан унумли фойдаланишга, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Муносабат

ЕР ТЎЙСА – ЭЛ ТЎЯДИ

Ер – хазина дейди халқимиз. Чиндан ҳам саховатли заминимиз неча-неча асрлардан буён эл-юртимизга ризқ-насиба улашиб келган. Деҳқон тили билан айтганда, ер бугун бизни боқаяпти, эртага фарзандларимиз ҳам бу бебаҳо ва беминнат неъматдан тўла-тўкис баҳраманд бўлишлари лозим. Бунинг учун Она ер имкониятларидан мақсадли, оқилона фойдаланган ҳолда уни муносиб муҳофаза қилишимиз, асраб-авайлашимиз, авлодларга соғлом ва унумдор ҳолида етказишимиз зарур.

Мамлакатимиз Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони нафақат оддий деҳқон ёки ер эгаси, балки ўзини шу тупроқ фарзанди деб биладиган фуқаролар зиммасидаги ана шундай олижаноб вазифанинг аниқ режа асосида бекаму кўст ижро этилиши учун муҳим дастуриламал бўлиши шубҳасиз. Ҳужжатда алоҳида қайд этилганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш имконини бераётир.

Бироқ, сир эмаски, суғориладиган ерларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолати қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг даромадларини кўпайтиришга тўғаноқ бўлмоқда. Шу билан бирга бу жараёнга бевосита масъул ва алоқадор бўлган бир қатор ташкилот ва тузилмалар ишга вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тизимли равишда, комплекс ёндошмаётганликлари ва суст фаолият юритаётганликлари аҳволни ўнглаш имконини бермаяпти. Шуларни инобатга олган ҳолда Фармонда бу борада бир қатор муҳим чора-тадбирларни изчил, босқичма-босқич, аниқ муддатларда амалга ошириш вазифалари ўртага ташланган. Унга кўра, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш 2008-2012 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси этиб белгиланган. Мелиорация ишларида бюджетмачи ва ижрочилар жавобгарлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги юмушларни молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш, тармоқда лизинг операцияларини кенг жорий этиш йўли билан сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш каби кўплаб вазифалар Фармонда кўрсатиб ўтилган.

– Мазкур меъёрий ҳужжатнинг асл моҳияти жуда кенг қамровли бўлиб, хайрли мақсадга йўналтирилган, – дейди вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи Абдуҳамид Абдужамилов. – Баъзи ҳудудларда ерларнинг табиий унумдорлигининг пасайиши, шўрланиши ёки сизот сувларининг кўтарилиши биргина деҳқонни эмас, барчамизни ташвишга солаётир. Туманларга, фермерлар далаларига чиқиб, асл деҳқонлар, тажрибали заминдорлар билан суҳбатлашганимизда, улар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ҳамиша эътибор бераётганликлари, бундан меҳнатни ҳам, маблағни ҳам аямаётганликларини таъкидлашади. Бу масалага кенг кўламда, тизимли равишда ёндошилаётгани деҳқонлар мушкулини енгиллаштириш билан бирга, мамлакатимиз аграр тармоқлари салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фармонда кўзда тутилганидек, эндиликда республика Молия вазирлиги қошида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилади. Жамғарманинг асосий вазифаси бу борада ишлаб чиқиладиган узоқ ва ўрта муддатли давлат дастурларида белгиланган кенг миқёсли чора-тадбирлар ва вазифаларни аниқ ва мақсадли молиялаштиришдан иборатдир.

– Азалдан деҳқон халқимизнинг соддагина, бироқ катта маъноли ибораси бор, – дейди оққўрғонлик фермер Абдумалик Каримов. – Сен ерни боқсанг – ер сени боқади. Тупроқдан мўл ҳосил кутаётган деҳқон аввал ерни тўйдириши, озиқлантириши шарт. Ер ҳам тирик бир жондай гап. У касалланиши, қуввати кетиб, ҳолсизланиши мумкин. Асл деҳқон ерни даволовчи шифокор бўлиши керак. Буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Ҳозир биз деҳқончилик қилаётган собиқ Навоий номли ширкат хўжалиги ерларида бундан 6-8 йил олдин ҳосилдорлик пахтадан 12-14, буғдойдан 20-22 центнердан ошмасди. Ер қўлимизга ўтгач, тупроқ унумдорлигини ошириб боришни энг муҳим вазифамиз, деб белгиладик. Ҳозир худди шу ерларда пахта ва ғалла ҳосилдорлиги 20-25 центнерга ошди.

Дарҳақиқат, заминга берилган меҳр, эътибор ва ғамхўрлик асло бесамар кетмайди. Бинобарин, шу тупроқ инъом этаётган неъматлар туфайли ҳаётимиз тобора фаровонлашиб, ризқ-рўзимиз бут бўлиб бораётганини асло унутмаслигимиз лозим.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

2008 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетасининг индекси – 205.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

– «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади ва аҳамияти нималардан иборат?

Раҳимжон РУСТАМОВ, Тошкент тумани.

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9- ва 32-моддаларида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мамлакатда сайлов ҳуқуқининг кафолатланганлиги демократиянинг ёрқин намунасидир. Шу боис Ўзбекистонда «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганлиги муҳим сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга моликдир. Таъкидлаш жоизки, мазкур Қонунни Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб қабул қилган. Кейинчалик Туркманистон (1999) ва Россия Федерациясида (2002) ҳам шундай қонунлар қабул қилинган.

Қонун сайлов тизимини тартибга солувчи қоидалар изчиллигини таъминлаш, сайловчилар ҳуқуқларининг амалга оширилишини кафолатлаш мақсадида қабул қилинган. Умуман, сайлов ҳуқуқини кафолатлашда сайлов тўғрисидаги қонунлар асосий манба ҳисобланади. Жумладан, ушбу Қонун бевосита фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини ўзида тўла акс эттирган.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқларнинг асосини бўлганлиги боис алоҳида қонун билан ҳимоя қилиниши катта аҳамиятга эга. Сайлов жараёнидаги ижтимоий муносабатларнинг узвийлигини, мувофиқлигини ҳамда ўзаро алоқадорлигини таъминлаш, бунда сайловчиларнинг ҳамда номзодларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва амалга оширилишини кафолатлаш жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг ютуғи сифатида намоён бўлади.

– Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг қандай ҳуқуқ ва имтиёзлари бор?

Робия АКРОМОВА, Зангиота тумани.

– Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасида тўлиқ маълумот берилган. Жумладан, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувларида ва радиоэшиттиришларида қатнашиш вақтида сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга, дейилади. Шунингдек, Президентликка номзод рўйхатга олингандан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида давлат йўловчилар транспортининг барча турларида (шаҳар йўловчилар транспортидан, таксидан ва бошқа турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текинга юриш ҳуқуқига эгадир.

– Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини қачон оладилар ва унинг миқдори қанча бўлади?

Шаҳноза ЭГАМОВА, Янгийўл шаҳри.

– «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига биноан участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосарлари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенларининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди. Имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

Тошкентда Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясининг қурултойи бўлиб ўтди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларидан сайланган делегатлар, ФМДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ФИДОКОРЛАР ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Қурултойда Ўзбекистон ФМДП Марказий кенгашининг биринчи котиби Аҳтам Турсуновнинг партия ҳисобот маърузаси тингланди.

Таъкидланганидек, Фидокорлар миллий демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўз сафида қарийб 80 минг аъзони бирлаштирган партия сафлари мустаҳкамланмоқда.

Анжуманда шу йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда улкан аҳамиятга молик муҳим сиёсий воқеа бўлиши алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан Фидокорлар миллий демократик партияси ўзининг барча фаоллари ва бошланғич ташкилотлари учун жиддий сиёсий мактаб, ижтимоий-сиёсий етуклик синови ҳамда демократик тамойилларни амалда рўёбга чиқариш имконини берадиган сайловда фаол иштирок этишни ўзининг муҳим вазифаси, деб билади.

Қурултойда Ўзбекистон Фидокорлар МДП Марказий кенгашининг биринчи котиби, мазкур сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари А. Турсунов номзодини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури муҳокама қилинди.

Қурултойда, шунингдек, сиёсий партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎзА.

МУНОСИБ ИЗДОШЛАРГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни вояга етказиш, ўғил-қизларга замон талаблари даражасида таълим-тарбия бериш, спорт билан мунтазам шуғулланиши учун етарлича шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундай хайрли ишларга жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг умидли спортчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган хайрли ишлари, жумладан, мунтазам равишда турли спорт мусобақалари ташкил этилаётгани, ёш спортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида грантлар ажратаётгани шулар жумласидандир.

Пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида ана шундай лойиҳалардан бири – «Чемпионлар форуми» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги грантларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, спорт муассасалари раҳбарлари, спортчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ажратган бу галги грантларни кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев ва эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ўз издошларига – мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда юқори натижаларга эришган 28 нафар умидли спортчига топширди.

Улар спортнинг кураш, эркин ва юнон-рум кураши, самбо, бокс, сузиш, каратэ, дзюдо, таэквондо, баскетбол, теннис, шахмат, енгил ва оғир атлетика, бадиий гимнастика каби турлари билан шуғулланаётган ўғил-қизлардир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасидан маълум қилишларича, жорий йилда бундай грант маблағлари юз нафарга яқин ўғил-қизга топширилган.

Жасур КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.

ГУРУҲ ҲАМОН ИЗЛАНИШДА

«Зарубежнефтегаз» 2006-2011 йилларда Устюрт ҳудудида янги конларни топишга мўлжалланган дастурни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Ҳозиргача МОГТ-3Д деб номланувчи сейсмик қидирув гуруҳи томонидан 290 квадрат километр ҳудудда янги конларни излаш ишлари бажарилди. Бу йиллик иш ҳажмининг салкам 75 фоизини ташкил этади. Йил охиригача эса яна 110 квадрат километр масофада бурғулаш ишлари олиб борилади.

Қидирув ишлари натижасида олинган маълумотлар, ер ости жинсларининг жойлашиши мазкур ҳудудларда углеводород конлари борлигига умид уйғотмоқда.

«Туркистон-пресс».

МАЪРИФАТ МАСКАНЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ангрен шаҳридаги 20-, Оҳангарон туманидаги 13-, Зангиота туманидаги 42-умумтаълим мактабларининг кутубхоначилари Нина Гамма, Зумрад Иброҳимова ва Маҳмуда Зулфиқорова ҳаётида қувончли воқеа юз берди.

Ёш китобхонларга малакали хизмат кўрсатаётган бу маърифатчилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг мукофотига сазовор бўлишди.

Акбар АЛИЕВ.

Фармон ва ижро

ҲАМИША КАМАРБАСТАМИЗ

Биз ушбу Фармондан келиб чиқадиган вазифаларни аниқ белгилаб олиб, шаҳар ва туманлар, умуман вилоятимиз соғлиқни сақлаш муассасалари таркиби ҳамда фаолият йўналишларини қайта ташкил этиш режаларини ишлаб чиқдик. Унга кўра, вилоят тиббиёт муассасалари фаолияти такомиллаштирилиб, кўп тармоқли болалар тиббиёт ҳамда диагностика марказлари ташкил этилиши, мазкур шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш муассасалари замирида бирлашмалар тузилиши кўзда тутилаётир. Ҳозир уларнинг низомлари ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Фармони ва Қарори асосида амалга оширила бошланган тадбирлар соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланишига, унинг даражасини ошириш масалалари ишчанлик билан ҳал этилишига олиб келади. Энг муҳими, тиббиёт муассасалари фаолияти устидан ташкилий-услубий раҳбарлик савияси юксалиб, айниқса, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш самара касб этади. Ихтисослашган тиббиёт хизматларига талаб-эҳтиёж ортаётгани боис махсус ташкил этилаётган тиббиёт марказлари бу жараёнда алоҳида ўрин эгаллайди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аслини олганда тиббиёт соҳасида ислоҳотлар бошланган дастлабки пайтдаёқ тиббий хизматни аҳоли эҳтиёжларига яқинлаштириш борасидаги ишлар изчил йўлга қўйилган эди. Вилоятимизда ташкил этилган 242 та қишлоқ врачлик пункти бунинг яққол далили бўла олади. Ҳозирги пайтда уларнинг 64 тасини Япония ҳукуматининг «Жайка» гранти асосида энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш давом этаяпти. Шу йилнинг дастлабки олти ойида 132 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 181 та қишлоқ врачлик пунктига энг замонавий ташхис-даволаш асбоб-ускуналар олинди.

Президентимизнинг Фармони ва Қарори асосида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, тизимнинг замон талабларига жавоб берадиган ташкилий тузилмаларини шакллантириш, касалликлар тарқалишининг олдини олиш, тиббий хизматлардан аҳолининг барча табақалари баҳраманд бўлишини таъминлаш ҳозирги босқичнинг асосий вазифаси бўлиб турибди. Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари, барча тиббиёт ходимлари бу вазифани сидқидилдан бажаришга бел боғлаганлар.

Нурмат ОТАБЕКОВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

Бекобод туманидаги Ўзбекистон қишлоғида янги врачлик пункти қуриб битказилди.

ТИББИЙ ХИЗМАТ – ЯНГИ БОСҚИЧДА

Қушчи маҳалласида ҳам мана шундай шифохона ишга туширилди. Умуман, туман соғлиқни сақлаш муассасаларини кенгайтириш ва таъмирлаш мақсадларига 440 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланиши ташҳис-даволаш ва бошқа тиббий хизматлар кўрсатиш даражасини оширди.





СУРАТЛАРДА: ҳамширалар (чапдан) Хосият Алиматова билан Дилдора Турсунқулова иш устида; туман марказий шифохонаси гинекология бўлими мудираси, олий тоифали шифокор Фотима Аҳмедова (ўнгдан иккинчи) ҳамширалар билан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий Қонунини ўрганиш жараёни мунтазам ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституциям» танлови давом этади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

– энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж)

– энг яхши интервью

– энг яхши фоторепортаж

Танлов шартлари

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий Қонунни ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий руҳда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий нашрларга муаллиф тўғрисида (фамилия, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар, босма ва интернет нашрларда «Менинг Конституциям» танловига» рукнида танлов матбуотда эълон қилинган 2006 йил декабрь ойидан 2007 йил 1 декабргача чоп этилган бўлиши шарт.

Танловни ўтказиш тартиби

Танлов ғолиблари Конституция байрами арафасида аниқланиб, тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассаса вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 1 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри – 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.

Телефон/факс: 144-12-51, 144-15-96

www.mmf.uz.e-mail:mmf@uzpak.uz

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА.

Интилганга имкон кенг!

ФЕРМЕР БЎЛИШНИ ИСТАГАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги ҳамда туман фермер ва деҳқон хўжаликларига ер майдонларини тендер асосида ажратиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фермер хўжаликларини ривожлантиришга оид қарорлари ижроси юзасидан бугунги кунда туман давлат захираси ихтиёридаги ер майдонларига талабгор бўлган фуқаролар ва тадбиркорларни танловда қатнашишга, ер эгаси бўлишга таклиф этади.

Туман ҳокими қарорига биноан тендер танловига қўйилган туман давлат захираси ихтиёридаги ер майдонлари, йўналишлари – пахтачилик ва ғаллачилик:

«Йўнғичқаъли» ҚФЙ ҳудуди

1. «Умиджон ўғли Озодбек» фермер хўжалигидан қайтарилган 26,2 га. ер майдони, шундан суғориладигани 25,8 га.

«Пахтакор» ҚФЙ ҳудуди

2. «Жанар Яқубова» фермер хўжалигидан қайтарилган 15 га. ер майдони, шундан суғориладигани 10 га.

3. «Низомов Маҳмуджон» фермер хўжалигидан қайтарилган 51,9 га. ер майдони, шундан суғориладигани 46,3 га.

4. «Қорабайир» фермер хўжалигидан қайтарилган 75,2 га. ер майдони, шундан суғориладигани 71,3 га.

«Ўртасарой« КФЙ ҳудуди

5. «Маҳкам Шариф» фермер хўжалигидан қайтарилган 38,2 га. ер майдони, шундан суғориладигани 37,1 га.

6. «Икром Наргиза» фермер хўжалигидан қайтарилган 32,1 га. ер майдони, шундан суғориладигани 29,3 га.

7. «Хумсон овул» фермер хўжалигидан қайтарилган 30,8 га. ер майдони, шундан суғориладигани 30,1 га.

«Дўстлик» ҚФЙ ҳудуди

8. «Шердор» фермер хўжалигидан қайтарилган 10,2 га. ер майдони, шундан суғориладигани 10 га.

9. «Суннатилла» фермер хўжалигидан қайтарилган 33,6 га. ер майдони, шундан суғориладигани 29,8 га.

«Янги турмуш» ҚФЙ ҳудуди

10. «Шаҳноза Шоҳсанам» фермер хўжалигидан қайтарилган 42,9 га. ер майдони, шундай суғориладигани 42 га.

11. «Адҳам Шер» фермер хўжалигидан қайтарилган 103,9 га. ер майдони, шундан суғориладигани 97,2 га.

«Қорасув» ҚФЙ ҳудуди

12. «Шаҳноза Муниса» фермер хўжалигидан қайтарилган 56,9 га. ер майдони, шундан суғориладигани 52,9 га. («Роватак»).

13. «Гулчеҳра агро» фермер хўжалигидан қайтарилган 47,7 га. ер майдони, шундан суғориладигани 41,7 га. («Қорасув»).

«Ангор» ҚФЙ ҳудуди

14. «Дархонбоев Жақинбек» фермер хўжалигидан қайтарилган 47,4 га. ер майдони, шундан суғориладигани 41 га.

«Истиқлол» ҚФЙ ҳудуди

15. «Машҳур – 2000» фермер хўжалигидан қайтарилган 17,5 га. ер майдони, шундай суғориладигани 15,5 га.

16. «Гулнора Ҳамраева» фермер хўжалигидан қайтарилган 48,3 га. ер майдони, шундай суғориладигани 42,7 га.

17. «Фарҳод Фахриддин» фермер хўжалигидан қайтарилган 73,1 га. ер майдони, шундан суғориладигани 60,8 га.

18. «Баҳром Зулайҳо» фермер хўжалигидан қайтарилган 80,4 га. ер майдони, шундан суғориладигани 66,2 га.

19. «Фурқат Достон» фермер хўжалигидан қайтарилган 16,1 га. ер майдони, шундан суғориладигани 14,5 га.

20. «Нишонбой Содиқ» фермер хўжалигидан қайтарилган 23,1 га. ер майдони, шундан суғориладигани 20,9 га.

21. «Абдурасул Эшимов» фермер хўжалигидан қайтарилган 51,4 га. ер майдони, шундан суғориладигани 48 га.

«Уйшун» ҚФЙ ҳудуди

22. «Мустақиллик Расул ота» фермер хўжалигидан қайтарилган 31,9 га. ер майдони, шундан суғориладигани 28,6 га.

23. «Ғулом Хуршид» фермер хўжалигидан қайтарилган 37,2 га. ер майдони, шундан суғориладигани 31,8 га.

«Пахтаобод» ҚФЙ (Навоий) ҳудуди

24. «Мирзатилла ўғли Ойбек» фермер хўжалигидан қайтарилган 53,8 га. ер майдони, шундан суғориладигани 51,1 га.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эндокринология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида ўтказилаётган Саломатлик ойлигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

14 ноябрь – Халқаро қандли диабетга қарши кураш кунига бағишлаб 20 ноябргача ўтказилаётган мазкур ойликда эндокринолог-шифокорлар иштирокида таълим масканлари, жойларда қандли диабет касаллигини даволаш, уни ўз вақтида аниқлаш, профилактика чора-тадбирларини кўришга бағишланган анжуманлар, семинар-машғулотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

ЎзА.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!

2007 йилнинг 20, 27 ноябрь ва 4, 11, 18 декабрь кунлари соат 11:00 да савдога такроран қўйилган кўчмас мулк сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади:

Т/р	Савдо объекти номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижрочиси	Ижро ҳужжати №	Жойлашган манзили
1	"Кичкинтой" ОАЖга қарашли бино-иншоотлар асбоб-ускуналари билан	1 342 523 000	Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суд ижрочилари бўлими	Тошкент вилояти хўжалик судининг 08.08.2006 й. 10-643-сонли ижро варақаси	Янгийўл шаҳри, Низомий кўчаси, 16-уй
2	"Кичкинтой" ОАЖга қарашли, бино-иншоотлар асбоб-ускуналари билан	332 059 520			Сирдарё шаҳрида

Шунингдек, қуйидаги кўчмас мулк бўйича аукцион савдолари 2007 йилнинг 4, 11, 18, 25 декабрь ва 8 январь кунлари соат 11:00 да ушбу автотранспорт сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

3	"ЗИЛ ММЗ-34505" русумли, 1989 й. и/ч, самосвал, давлат рақами 11 AS 693	823 500	Тошкент вилояти Пскент туман суд ижрочилари бўлими	Тошкент вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрь 11-0617/10423 ва 2006 йил 19 июндаги 11-0617/6584-сонли ижро варақалари	Пскент шаҳри, Фурқат даҳаси, 10-уй, 18-хонадон

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотека-банк"нинг С. Раҳимов филиалидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452106 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва **www.rkmb.uz** сайтидан олиш имкониятига эгасиз.

МУҲИМИ — МАҚСАД ВА МАСЛАК БИРЛИГИ

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси шу йилнинг 9 ойида амалга оширилган ишлар натижаларини таҳлил қилди. Ташкилот фаолиятининг муҳим йўналишларида эришилган натижалар билан танишиш мақсадида қўмита раисининг биринчи ўринбосари Холтўра Сувоновни суҳбатга тортдик.

– Дарҳақиқат, ўтган вақт мобайнида қўмитамиз фаолияти самарадорлигини оширишда дадил қадамлар ташланди, – деди Х. Сувонов. – Ўтган йилларга нисбатан бу йил экологик вазиятни яхшилашга қаратилган тадбирлар изчил ўтказилишига катта аҳамият берилди. Ўтган тўққиз ойда 18 та корхонада 33 та тадбир ўтказилди. Бунинг учун 119 миллиард 810 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Чунончи, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ўтказилган 13 та тадбирга 5 миллиард 922 миллион сўм маблағ сарфланди. 1 миллиард 673 миллион сўм сув манбаларининг муҳофазаси учун ажратилди. Ер ресурсларини асраш бўйича 13 та тадбир ташкил этилиб, бу мақсадга 1 миллиард 906 миллион сўм йўналтирилди.

«Янги-Ангрен» иссиқлик электр станциясида 2 та махсус мажмуани қуриш ва мустаҳкамлаш лойиҳасига 11 миллиард 520 миллион сўм, «Оҳангаронцемент» жамиятида 4 та айланма печни капитал таъмирлашга 1 миллион 486 минг сўм сарфланди. Қатор корхоналарда ишдан чиққан 37400 та лампа 5 миллион 232 минг сўм эвазига утиллаштирилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида атмосфера ҳавосига чиқариладиган олтингугурт қўш оксидининг 2000 тоннаси ҳамда «Янги Ангрен» иссиқлик электр станциясида кулнинг 3000 тоннасини ушлаб қолишга эришилди.

Шунингдек, вилоят корхоналарида капитал маблағ талаб этилмайдиган ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам ўтказилди. Жумладан, вентиляция тизимлари, электр ва енгил фильтрлар капитал таъмирланди, сув ўтказувчи бирламчи ва қайтарма, иссиқ сув ва буғ қувурлари герметизация қилинди, яроқсизлари алмаштирилди. Бу ишлар Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Биокимё», «Оҳангаронранглицемент», «Электркимёсаноат» корхоналарида амалга оширилди.

Бундан ташқари вилоят корхоналаридаги 52 та транспорт воситаси экологик тоза газ ёқилғисига ўтказилди. Ўтган йилларга нисбатан жорий йилда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдори 3,3 минг тоннага ҳамда очиқ сув ҳавзаларига ташланаётган оқава сувлар 4,2 миллион куб метрга камайди.

Гуруч курмаксиз бўлмайди, деганларидек, амалга оширилаётган намунали ишлар қаторида ижроси ўлда-жўлда қолаётган тадбирлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Бўка туманидаги «Қишлоққўрғалиққимё» корхонаси ҳамда пахта тозалаш заводида йил бошида белгиланган тадбирлар ҳануз бажарилмаяпти. Бунинг асосий сабаби жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ҳамда молиялаштириш билан боғлиқ ишларнинг вақтида ҳал этилмаганлигидир.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда соҳа вакилларига ҳамиша камарбаста бўлишга ҳаракат қилаяпмиз. Қўмитамиз ходимлари Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасидаги долзарб вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Республика Адлия вазирлиги томонидан «Бошоқли дон экинлари сомони ёқиб юборилиши натижасида етказилган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан жарималар қўллаш бўйича Низом» рўйхатга олинган бўлиб, унда кўрсатилган талаблар бекаму кўст бажарилишига эришилаётир.

Бундан ташқари, мавсум учун маҳаллий ўғит (компост) тайёрлаш ва фекал чиқариш ишлари жонланиб, деҳқонлар мушкули енгиллашмоқда.

Ҳозир вилоятдаги 8 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежида 449 нафар талаба «Атроф, табиий муҳит» йўналиши бўйича таҳсил олмоқда. Шуни инобатга олган ҳолда қўмита томонидан «Янги аср авлоди» босмахонасида жами 1500 нусхада ўқув қўлланмалари чоп этилди. Жумладан, «Агроэкология» китоби 1000 нусхада ҳамда «Сирдарё дарёсининг экологияси ва унинг саноатлар ҳолати» рисоласи 500 нусхада нашрдан чиқарилиб, ўқувчи ёшларга тарқатилди.

Шунингдек, вилоятнинг ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ҳамда лицей талабалари ўртасида ўтказилган «Энг ёш иқтидорли истеъмолчи» мавзуидаги кўриктанловда ҳам ўзимизнинг совғаларимиз билан иштирок этдик. Ушбу танлов Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб Чирчиқ шаҳридаги «Электркимёсаноат» очиқ акциядорлик жамиятининг маданият саройида ташкил этилди. Унда биринчи ўринни қўлга киритган Чиноз тумани иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи жамоасига қўмитамиз томонидан рангли телевизор тақдим этилди. Қолган барча совриндорларга «Ўзбекистон Қизил китоби» нашрининг 1- ва 2-томидан 3 та жамланма топширилди.

Бундан ташқари, республикада илк маротаба қўмита ташаббуси билан коллежлар ўртасида «Табиат – бу ҳаёт ва тириклик тантанасидир» шиори остида экофорум ташкил этилди. Форумда ғолиб ва фаол иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар тарқатилди.

Давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб Ангрен ва Янгийўл шаҳарларида ўтказилган «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остидаги экофорумлар ҳам кенг жамоатчилик томонидан самимий кутиб олинди. Тоза ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар жамоалари ҳамда тадбиркорлар бўлиб ўтган форумларда муносиб тақдирланди.

Пировардида таъкидламоқчиманки, бундан кейин ҳам қўмитамиз ва унинг жойлардаги бўлимлари ходимлари олдимизга қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳамкорликда оғишмай амалга ошириб бораверадилар.

Қуёш нурини қабул қилиб, уни ҳаётий зарур энергияга ва бошқа муҳим моддаларга айлантиришда ўсимлик дунёси муҳим аҳамиятга эга. Ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёнида қуёш энергияси сув (намлик) ва карбонат ангидрид – CO_2 (ис) гази ёрдамида органик бирикмалар тоза кислород ҳосил қилувчи «биофабрика» воситасини ўтайди. Инсон ва тирик мавжудотлар нафас оладиган ҳаво таркибида 21 фоиз тоза кислороднинг ҳосил бўлиши тириклик оламининг ажралмас омилларидан ҳисобланади.

ЎСИМЛИК ОЛАМИ – СОҒЛИҚ ГАРОВИ

2000 йилда Антарктидада озон туйнуги пайдо бўлгани аниқланди. Ўсимлик дунёси ана шу муаммони ҳал этишга хизмат қилиб, ер юзасидаги стратосфера (25-30 км) қатламида озон ҳосил бўлишини таъминлайди, қуёшдан келаётган ультрабинафша (радиация) нурларини ушлаб қолади ва зарарли ультрақизил нурларининг бир қисмини тўсиб туради. Зеро, ота-боболаримиз дарахт экишни ўта савобли иш деб билишган. Табиатнинг ўсимлик дунёси энг аввало ёруғ оламни гўзаллик, нафосатга буркаб, мўъжизавий хусусиятлари билан инсонга завқ улашади. Ўсимликларнинг ҳолати ўзгаришига қараб биз баҳор, ёз, куз ёки қиш фасли яқинлашиб келаётганини сезамиз ва унга тайёргарлик кўрамиз. Ўсимлик дунёси шундай мўъжизаки, у инсону ҳайвонотга тетиклик бағишлаб, соя-салқин муҳит, ҳатто, уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак «беради», иссиқда сояси, совуқда олови билан ҳимоя қилиб, охир-оқибат қуригач, ер қаърида узоқ йиллар ётиб, органик кимёвий бирикмалар (кўмир, газ, ҳар хил маъдан ва минераллар) сифатида яна инсониятга хизмат қилаверади. Тирик организмлар, ўсимлик ва тупроқ қатламидан чиқадиган кўплаб карбон кислоталарни ютиб, кечаси хлорофил субстанцияси ва кундузи фотосинтез туфайли тоза ҳаво ҳосил қилади.

Кўплаб касалликларни даволашда манзарали боғ ва ўрмонзорларнинг мусаффо ҳавосидан нафас олиш ёки янгича ибора билан айтганда, экотуризм билан мунтазам шуғулланиш инсонлар саломатлигини муҳофаза қилишда самарали воситадир. Бундай баҳаво масканлар республикамиз ва вилоятимиз ҳудудида кўплаб топилади. Ўсимлик дунёсининг беминнат хизмати фақат ис гази (CO_2)ни қабул қилиб, тоза кислородга айлантириб бериши билан эмас, ҳаво таркибидаги кўплаб касаллик тарқатувчи микробларни зарарсизлантириб берувчи фитонцид моддалар ажратиши билан ҳам аҳамиятлидир. Мисол учун 100 минг кишилик шаҳар аҳолисининг фитонцид моддаларга бўлган эҳтиёжини бир гектар майдонни эгаллаган игна баргли дарахтлар (арча, қарағай) ёки 1000 тупдан ортиқ бошқа турдаги манзарали дарахтлар қоплаши мумкин.

Ўсимлик оламининг бугунги кундаги энг керакли хусусиятларидан яна бири ҳавога чиқариладиган кўплаб чанг-ғуборларни тортиб олиб, ерга чўктиришдир. Ана шу хусусиятлари туфайли ўсимликлар ҳавони тозалаш, ҳаво ҳароратини пасайтириш, ер ости сувларини тозалаш ва тўйинтириш, шовқинни камайтириш, ер ости ва ер усти сувларини тозалаш, ер ости сувларини тўйин

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Келаси йили футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш босқичи якунланиб, мусобақа финалига йўлланма олган терма жамоалар номи маълум бўлди.

ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

Осиё чемпионати саралаш босқичининг "D" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Туркманистон, Тожикистон, Фаластин ва Бангладеш ўсмирлар терма жамоалари ўртасидаги учрашувларга Абу Даби шаҳри мезбонлик қилди.

1992 йилда туғилган футболчилардан таркиб топган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси дастлабки турдаёқ гуруҳ фаворити ҳисобланган мезбонлар – Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан 2:2 дуранг ўйнаб, мақсадлари жиддий эканини намойиш қилди.

Кейинги учрашувларда кетма-кет Туркманистонни 4:1, Тожикистон ва Бангладешни бир хил – 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган ҳамюртларимиз тўртинчи турдаёқ, гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб, Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди.

Роберт Гай бош мураббийлик қилаётган терма жамоаси аъзолари сўнгги турда фаластинлик тенгқурларини ҳам 6:1 ҳисобида доғда қолдиришди. Шундай қилиб, "D" гуруҳида бешта учрашувдан тўрттасида зафар қучиб, бир маротаба дуранг ўйнаган ва мағлубиятга учрамаган ягона жамоа – ўзбекистонлик ўсмирлар 13 очко билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллади.

ЎзА.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ САРИ БИР ҚАДАМ

Осиё қитъасида футбол бўйича 2010 йили Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионати финал қисмига чиқиш учун ўтказилаётган саралаш турнирининг биринчи босқич беллашувлари давом этмоқда.

Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси саралаш турнирининг мазкур босқичидан муваффақиятли ўтди. Футболчиларимизнинг турнирдаги илк рақиби Хитой Тайпейи терма жамоаси бўлди.

Юртимиз бош жамоаси навбатдаги босқич йўлланмасини 13 октябрь куни ўтказилган дастлабки учрашувдаёқ ҳал қилиб қўйган эди. Хитой Тайпейи миллий терма жамоасини Тошкентда қабул қилган вакилларимиз рақиб дарвозасига жавобсиз тўққизта тўп киритганди.

Хитой Тайпейи мезбонлик қилган жавоб учрашуви ҳам ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг тўлиқ устунлигида ўтди. Беллашув якунланишига ўн дақиқа қолганида "Пахтакор"дан терма жамоага таклиф қилинган Ислом Иномов аниқ зарба билан ҳисобни очди.

Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида ҳамюртларимиз мезбонлар посбони Лу Кун Чини ўз дарвозасидан иккинчи тўпни олиб чиқишга мажбур қилишди. Яна бир пахтакорчи – Илҳом Суюнов жарима тўпини тўғри дарвоза тўрига жойлади.

Саралаш турнири дастлабки босқичининг икки учрашуви натижасига кўра, Хитой Тайпейини 11:0 ҳисобида мағлубиятга учратган Ўзбекистон миллий терма жамоаси тўғридан-тўғри учинчи босқичга йўлланма олди.

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан ишлаб чиқилган регламентга биноан жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган ўн тўққизта терма жамоа орасида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА рейтингида юқори ўринларни эгаллаб турган ўн биттаси тўғридан-тўғри учинчи босқичда қатнашади. Қолган саккиз терма жамоа эса иккинчи босқичда яна ўзаро рақобатлашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Машҳурлар ҳаётидан

ЙЎЛТЎСАРЛАР

Кунлардан бир куни Миртемир домла нашриётда иш юзасидан тутилиб қолиб, уйига кечроқ қайтаётганда йўлини икки ёш йигит тўсиб чиқади:

– Қани, пулдан чиқаринг, бобой! Вақтимиз зиқ – тез бўлинг!

– Ие, буниси қандоғ бўлди, бўталарим? Мени танимадинглармі? Ахир, мен Ўзбекистон халқ шоири Миртемирман-ку!

Йигитлар бир зум саросималаниб қолишади. Кўринишдан ёши сал каттароғи шеригининг қулоғига шипшийди: «Ёлғон гапиряпти, катта шоир бўлса, пиёда юрармиди?»

Шоирнинг юзида қўрқув эмас, афсус-ачабланишни кўрган йўлтўсарлар яна зуғум қилишади:

– Бошимизни қотирма, сендақа шоирларнинг кўпини кўрганмиз. Яхшиликча пулдан чиқар, акс ҳолда...

Шоир қарайдики аҳвол чатоқ, йигитларни инсофга ундаш фойдасиз.

– Ҳай майли, бунчалик қийналиб қолган бўлсаларинг, сизларга баҳоли қудрат ёрдам берай, савоб бўлар. Фақат ҳозир ёнимда пулим йўқ, уйга борайлик, ичкаридан олиб чиқиб бераман.

Йўлтўсарлар анча сурбет экан, уялмай-нетмай, шоирга эргашиб, уйгача келадилар.

Миртемир домла ичкаридан пулни олиб чиқиб, безориларга бўлиб бераркан, ўзича насиҳат қилади:

– Иккинчи бундай номаъқул иш қилманглар. Бу қалтис йўлдан қанча эрта қайтсанглар, ўзингларга шунча яхши бўлади.

Орадан кўп йиллар ўтади. Шоир юқоридаги воқеани деярли унутиб ҳам юборади. Кунлардан бир куни Миртемир домланинг эшигини иккита нотаниш одам тақиллатади. Ичкаридан елкасига чопонини ташлаб чиққан кекса шоирни кўриб, улар негадир ўнғайсизланишади, хижолатдан, ҳаяжондан ўзларини қўярга жой тополмай, типирчилаб қолишади. Маълум бўлишича, улар ўша йўлтўсар йигитлар экан.

– Домла, бизни кечиринг, ёшликда бир аҳмоқлик қилиб... Ўшанда бизга яхши сабоқ бердингиз. Сизга катта раҳмат. Агар сиз бўлмаганингизда, йўлимизда сиз учрамаганингизда, эҳтимол ёмон йўлдан қайтишимиз қийин бўларди.

– Тўғри йўлни топиб олибсизлар – шунинг ўзи катта гап, бўталарим. Мен хурсандман. Дарвоқе, нега остонада турибмиз? Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар.

– Раҳмат, домла, бошқа сафар. Энди, мана шу пулни олиб қўйинг, ўшанда берган... қарзингиз ... ёрдамингиз. Раҳмат ҳаммасига!

– Йўқ-йўқ, мен ўшанда ростдан ҳам сизларга ёрдам бергим келиб, чин юракдан кўмаклашувдим. Олмайман барибир!

Шоир узатилган пулни кескин қайтаради...

ҲАВАСКОРНИНГ СОҒЛИГИ

Ҳовлиқмароқ бир ҳаваскор қаламкаш Мақсуд Шайхзодага шеърларини кўрсатиб, маслаҳат сўраркан, ногоҳ шундай дейди:

– Устоз, айтишларича, истеъдодли шоирларнинг аксарияти касалманд ва дарвешроқ бўлар экан, шу гап ростми?

– Рост, рост, – дейди шоир ҳаваскорнинг юзига андак ажабсиниб қараб қўйгач, – аммо хавотирланманг, сиз соппа-соғсиз!

МАЖЛИС ЧЎЗИЛГАНДА

Шайх ака ҳамкасблари билан жуда самимий, илиқ муносабатда бўлган. Айниқса, Ойбек ва Миртемир билан иноқ эди. Устоз Озод Шарафиддиновнинг ҳикоя қилишича, бир куни Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлади. Йиғилиш ҳаддан зиёд чўзилиб кетгани учун кўпчилик қалам аҳли очликдан силласи қуриб, ҳолдан тояди. Ниҳоят, мажлис тугагач, Миртемир домла Шайхзоданинг олдига келиб, оҳиста сўрайди:

– Овқат масаласига қандай қарайсиз, Шайх ака?

– Тўрт кўз билан қараймизда! – дейди Шайх ака кўзойнагини тўғрилаб. Бу шоирнинг «итдай очмиз» дегани эди.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

Одамийлик шеваси

О, ҚАЙДАСАН, ИФОР

(Воқеий ҳикоя)

Самолёт гўё хайрлашаётгандек, шаҳар узра уч марта айланди-ю, Ўзбекистон сари йўл олди. Назокат ҳам бу кўҳна шаҳар билан хайрлашаётгандек, кўрган кўзини севинтириб тураверинг! Эй денгиз шамоли, юрагим ғаш тортса, ғир-ғир эсиб, сочларимни, юзларимни силадингиз, сизларни то абад ёдимда тутарман. Бозорлар, маркетлар, тимлар, ёймачилар, мусофир дея мени ёрлақаган жамики тўжжорлар, сизлардан ҳам ўла-ўлгунча миннатдорман. Биринглиз минг бўлсин, хайр, омон бўлинглар...»

Назокат кичкина баркашдек дарчадан ташқарига разм солди. Шаҳар ортда қолган эди. Унинг кўнгли кўчиб, Чотқол этагига бош қўйиб ётган қишлоғига етди. Ўғли Хуршид кўз олдига келди. «Оҳ, болажоним-а! – дея унсиз тўлғонди. – Сени жуда-жуда соғиндим, кўзичоғим!»

Бирдан кўнгли алғов-далғов бўлди. «Ўғли тирикмикан? Таниса керак. Танийди. Ахир бола онасининг исини сезмайдими? Сезади. Худо хоҳласа, энажон, деб бўйнимга осилади».

Самолёт бир маромда гувиллаб, йўл танобини тортди. Дийдор қувончи билан ҳижрон азоби ўт билан сувдек олишиб, Назокатнинг кўксини тимдалайди. Мусофир юртга келиб, тўғри қилдими, адашдими? Ўшанда Самиянинг гапига кирмаганида не бўларди? Бугунгидек, қўйни-қўнжи тўлиб, бир дунё совға-салом билан уйга қайта олмас эди, берсанг – ейман, урсанг – ўламан, деб эрининг кўзига қараб, ҳамон уйида ўтирарди. Йўқ, дугонасига хўп, деб тўғри қилди. Фақат, Хуршидбек... Ишқилиб, у туққан онасини танисин-да...

Назокат кўзларини юмди. Хаёлида худди кечагидек Самия жонланди...

Бугунгидай баҳор эди. Назокат уйда эски кўрпаларни қавиб ўтирарди. «Ҳой, ўртоқжон, бормисан?» деб қишлоқнинг чеккасида турадиган дугонаси Самия кириб келди. Ясан-тусан, жуда очилиб кетибди. Саккиз бармоғида тўрт хил узук, бўйнида икки қават тилло занжир. Ўттиз икки тиши бирдай ёнади. Самия бир-икки йилдан бери қишлоқда кўринмай қолган эди. Уни қозоқдами, қирғиздами, бозорчи бўлиб кетган дейишарди. Ёлғон экан. Самия олисда, жуда олисда, етти ёт элларда юрган экан. У оғиз кўпиртириб, ўзи борган ерларни мақтади:

– Мен сенга кўм-кўк денгиз бўйларидан салом обкелдим. Мана бу чиғаноққа қулоқ солсанг, денгиз шовқинини эшитасан. Мана бу мушки анбар ҳам сенга. Биттасини тутатсанг, уйингдан бир ҳафта ҳиди кетмайди.

Самия ўртоғининг бармоғига кумуш узук тақиб қўйди.

– Муборак бўлсин, дугонажон! – деди Назокатни ўпиб, – ундан кўра сен ҳам юр, обкетай. Яқинда йўлга чиқаман, хўп десанг, икковимизга виза тўғрилайман.

Назокат боядан бери дугонасининг ўша олис юрт ҳақидаги ҳангомаларини киприк қоқмай тинглаб ўтирарди. Бирдан унга ҳаваси келди, ўзини Самиянинг ёнида кўрди, лекин иккиланиб елка қисди.

– Қандай бўларкин, – деди у хаёлчан, – бошимда эрим бор, бунинг устига ўғлим ҳали ёш...

– Қандай эмас, қанддай бўлади! – баттар жўшди Самия. – Эркакларнинг топгани ўзларининг чўғ-чилимидан ортмайди. Секин, ётиғи билан тушунтиргинда. Бир-икки йил ишлаб келсанг, манавинақа йиртиқ кўрпаларга куninг қолмайди. Қозон ҳам, чўмич ҳам мой, дегандек, а? Ўғил неча ойлик бўлди? Олти ойликми? Ҳа, унда ўлмайди. Энангга ташлаб кетасан. Ҳозир она сутидан ҳам зўр емишлар чиққан. Шуни еб, бўтқадай семириб юради. Келишдикми? Эринг билан гаплаш. Мен индинга келаман. Йўқ десанг, қўлга қўниб турган бахтингдан айриласан, ўртоқжон!

Самия Назокатнинг оғзини очиргани қўймай, жўнаб қолди. Назокат ўша куни эрига индамади. У аввало кўнглига қулоқ солмоқчи, босадиган қадамини обдон ўйлаб олмоқчи эди.

Назокат икки кун ўзи билан ўзи олишди. Дугонаси унинг юрагига лағча чўғ ташлаб кетган эди. Бу чўғ жисми-жонини куйдириб, гоҳо жаннатмакон юртларга имлаб чорлар, гоҳо «одамга орият керак, хоним. Она сути оғзидан кетмаган гўдак билан сўққабош эркакни ташлаб, дунё ахтариб кетиш диёнатданми?» дея дашном берарди.

Охири кўнгил майли устун келди. «Кўзингни чирт юм, Назокат! Ёшлигинг қайтиб келмайди. Ўйнаб қол, қўлингга ҳам жир битсин».

Самия келадиган куни эрталаб чой вақтида Назокат қисиниб-қимтиниб эрига оғиз очди:

– Сизга маслаҳатли гап бор эди, хўжайин.

Истамбек гўё хотинининг ниятини биладигандек, кинояли жилмайди:

– Бизга қараб қолган қандоқ гап экан, онаси? Айтинг-чи, эшитайлик.

– Мен... Самия билан чет элга бориб, ишлаб келмоқчиман.

– Ўртоғинг ахир сени ҳам йўлдан урибди-да! – норози бўлди Истам. – Хўш, мардикорлик қанча вақтга экан? Бир ҳафтагами, бир йилми?

– Самиянинг айтишига қарағанда, бир ой, ярим ой камлик қилармиш. Камида бир-икки йил дейди у. Шунда топганингда барака бўлармиш...

«Бир-икки йил»ни эшитиб, Истамбек ҳуштак чалиб юборди.

– Қойил, хотин! Ақлингга балли! Мен-ку, бир амаллаб кунимни кўрарман. Манави норасида гўдак нима қилади, тирик етим бўлиб қолаверадими?

– Нимага тирик етим бўлар экан? Энамга ташлаб кетаман. Сиз борсиз, хабар олиб турасиз. Барибир сутим қолмади.

– Болага фақат она сути эмас, она меҳри ҳам керак. Наҳот шуни тушунмасанг, хотин?!

– Сиз ҳам тушунинг-да, дадаси. Қўлга қўниб турган қушни кишт деб учириб юбориш яхши эмас. Бунақа имконият бир марта келади.

Даҳанаки жанг ярим соатча давом этди. Охири Истамбек ўрнидан турди:

– Гап шу, хотин. Сен у ёқдан қайтганингдан кейин бу уйга қадам босмайман. Ўзингни эрдан чиққан, деб ҳисоблайвер.

Ўша кундан бошлаб, Истамбек бир кўрпачани судраб, бошқа уйга чиқиб ётадиган бўлди.

Ўн беш кундан кейин баҳайбат кумуш лайнер Самия билан Назокатни Ўрта ер денгизи соҳилидаги обод бир шаҳарга элтиб ташлади. Назокат Самия билан бирга ижарага олинган уйда яшай бошладилар. Назокат бир миллионернинг ошхонасига идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишга кирди.

Бир-бирини қувиб ҳафталар, ойлар ўтаверди. Бу ерда Самиянинг таниш-билишлари кўп эди. Дугонасининг шарофати туфайли Назокат кузга яқин таом ташувчи ходима бўлди, қиш ўтгач, ошпазга ёрдамчиликка ўтиб олди. Энди у хорижий хўрандаларга тансиқ ўзбек таомларидан пиширибгина бошлади. Маоши кўпайди, чўнтагига чойчақа тушди.

Назокат меҳнатдан ҳазар қилмади. Сочи супурги, қўллари косов, елкаси обкаш бўлди. Шу алпозда уч йил ўтиб кетганини сезмади. Бу орада бирон марта уйи билан гаплашолмади – Назокатнинг қўлида телефони бор, қишлоғида эса – йўқ. Хат-хабар ҳам олмади. Хаёлида онаси, эри, ўғли – учовлон номаълум дунёга кўчиб кетгандек эди. Мана энди уларни кўргани осмону фалакда гоҳ кўзёш қилиб, гоҳо офтобга илжайиб боқиб, кетиб бораяпти.

Омон-эсон Тошкентга келиб қўнди. Чиройли машиналардан бирини гаплашди. Сандиқдай жомадонларини юклаб, Боғистон сари жўнади. Самолётдаги олти соат бир бўлди-ю, қишлоқ йўлидаги бир соат ҳам бир бўлди. Онасининг уйига яқинлашгани сари юраги гупгуп уриб, қинидан чиқиб кетгудай бўлади. «Хуршид қандай бўлди экан? Ишқилиб, энам омон-эсон ўтирган бўлсин-да. Истамбек-чи? У Назокат йўғида Хуршидни эплаб турганмикан ёки...»

Назокат ўзи ўсиб-унган қадрдон ҳовлига нечук етиб келганини билмади. У қиз пайтидаёқ унниқиб кетган эшикни аста очиб, ичкари кирди. Бир нафас ҳар ёнга аланглаб туриб қолди. Кейин беихтиёр «Хуршид!» деб қичқириб юборди. Бегона аёлнинг товушига уйдан энаси чиқди. У бир қарашда қизини танимади. Рўпарасида оврўпача кийинган, бироз озган, қорача жувон турарди. Назокат «Эна! Энажон!» дея она бағрига отилди. Шундагина она қизини овозидан таниб, қучоқ очди:

– Болагинам, тирикмисан, энанг айлансин! Мени кўмиб, кейин кетсанг бўлмасмиди, жоним қоқиндик!

Она-бола судралишиб, торгина равонга бориб ўтиришдилар. Назокат олазарак бўлиб, ўғлини ахтарарди. Охири чидамади:

– Хуршид кўринмаяпти, эна? – деди юраги така-пука бўлиб.

– Ўғлинг омон-эсон юрибди, – деди кампир уҳ тортиб. – Отаси ҳафта сайин келиб хабарлаб кетади.

– Ҳозир қаерда?

– Кенжатой тоғасиникига чиққандир, кеп қолар.

Кампир қўшни томонга қараб, товушлади:

– Ҳой Матмуса, Хуршидга айт, мунда кирсин!

Ҳадемай эшикда гавдаси пачақроқ, калласи кичик, қорамағиз бола кўринди.

– Кел, болам, – деди кампир. – Энанг келиб, сени кутиб ўтирибди.

Назокат ирғиб турди. Хуршид тайсаллаб, бир-бир босиб келди-ю, Назокатдан тўрт қадамча нарида тўхтади. Назокат чўк тушиб, қучоғини очди:

– Бормисан, оппоғим! Сени бирам соғиндим, қўзичоғим! Қани, аяжонингни ачом қил-чи!

Бола қилт этмади. У бегона аёлга хўмрайиб қаради-ю, бувисининг биқинига бориб суйкалди. Назокат йиғлагудай бўлиб, зорланди.

– Эна, айтинг, бу туққан онанг бўлади, денг! Обкелинг қучоғимга, тўйгунча ўпай!

– Болам, бу аёл сенинг ўз энанг бўлади, салом бер, ёнига бор. Боракол...

Бола миқ этмади. У Назокатга ёмон кўз билан қараб қўйди. Назокат эса сакраб турди-да, ўғлини юлқиб тортди, зўрлаб бағрига босди, чўппиллатиб юз-кўзларидан ўпа бошлади. Ора-чора кулиб, бир йиғлаб гапириб қўяди:

– Мен сенга кўп-кўп совға-салом обкелдим, жоним! Қани, аяжонингни ачом қил-чи, оппоғим! Ахир, мен онангман, мана бу киши бўлса катта энанг, билдингми?

Хуршид юлқиниб, онасининг қучоғидан чиқди, бувисининг пинжига суқилди.

Назокатнинг алами қўзиди:

– Айтинг унга, эна! Туққан онанг анави, денг! Мени искатинг. Онадан ифор ҳиди келар эмиш. Наҳот ўз онасининг ҳидини сезмаса?! Нега индамай ўтирибсиз, эна?

– Ўзи искамаса, не қилай, болам, – деди кампир. – Бузоқ билан улоқ ҳам энасининг исини танийди. Сенинг ифоринг қолмабдими, нима бало...

Назокат яна жон-жаҳди билан ўғлига талпинди. Бола кўчага қочди. Назокат ҳўнграб йиғлаб юборди.

Сайфи СОДИҚ.

Рассом хандаси

– Ўғлингиз ўзбошимча, ахлоқсиз, сўкағон, кўпинча дарсга кирмайди.

– Болани боқиш биздан, тарбияси эса сиздан!

– Мактабга ойингни олиб кел, гаплашаман дегандим, айтганимни қилдингми?

– Ҳа, мана ойим.

А. ҲАКИМОВ чизган расмлар.

Шунданкейин

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДА АЁЛЛАР

Сенегал тарихида биринчи марта хотин-қизлар ҳарбий хизматга қабул қилинди.

Қуролли Кучлар вакили Адам Диопнинг сўзларига кўра, икки мингдан зиёд талабгор орасидан уч юз нафари танлаб олинган.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг билдиришича, Сенегал хотин-қизлари ҳарбий хизматга жуда қизиқади.

ҲОЗИРЧА ТАХМИН

Дания пойтахти Копенгагендаги фермаларнинг биридан беш мингдан зиёд қоракузан қочиб кетди.

Полиция бу воқеа ҳайвонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ташкилоти аъзолари томонидан уюштирилганини тахмин қилмоқда.

Қоракузан мўйнаси савдоси билан шуғулланувчи дунёдаги энг йирик экспортчи мамлакат саналадиган Данияда бундай ҳолат илгари ҳам содир бўлган. Айни вақтда воқеа сабабини ўрганиш ва ҳар томонга тарқалиб кетган қоракузанларни тутиш ишлари давом этмоқда.

ЖУНДАН СУНЪИЙ ОЛМОС

Токионинг "Помпорис" ҳайвонот дўкони ҳузурида ит ёки мушук жунидан олмос тайёрлашга ихтисослашган заргарлик устахонаси очилди.

Маълумотларга кўра, жун махсус технологиялар ёрдамида соф гранитга айлантирилади. Кейин эса юқори босим ва ҳарорат остида қизғиш, яшил ва сариқ рангдаги олмос ишлаб чиқарилади. Битта қимматбаҳо тош ясаш учун уч ой вақт кетар экан. Бу ерда ишлаб чиқарилган 0,03 каратли кулон 325 минг иенга (2,8 минг АҚШ доллари) баҳоланди.

ЎзА.

СП ООО "XINAO ENEKO" С. Рахимовского района г. Ташкента (ОКПО 21479917) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются по телефону: 167-36-16.

ООО "SARA JLS" (ОКПО 19288280) Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента сообщает об изменении фирменного названия общества на ООО "BURRO MAX PRODUKTION", а также об уменьшении уставного фонда с 536 703 600 сум до 485 444 496 сум.

ЧПКФ "START-SERVIS-TRAST" г. Чирчика реорганизуется в ООО "START-SERVIS-TRAST" (ОКПО 19567241).
Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня опубликования объявления по тел: 169-06-51.

Учредитель фирмы ООО "KUCH-INTER-SERVIS" Юнусабадского района г. Ташкента Наримов Сайдилла Абдуллаевич вышел из фирмы со своей долей 30,4 % – 540000 сумом.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси Ўртачирчиқ тумани табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси **Бахтиёр ҚЎШБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Утерянный диплом бакалавра № 281011, выданный в 2004 году II Таш.ГосМИ и диплом магистра № М 027899 выд. в 2007 году ТашМА на имя Хужакулова Акрамжона Хушиевича,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерянный аттестат № Д 311119, выданный в 1987 году средней школой № 171 Мирзо-Улугбекского района (быв. Куйбышевский район) г. Ташкента на имя Семеновой Инессы Борисовны,
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

"KIA MOTORS"нинг Ўзбекистондаги расмий дилери "Sanar Motors" МЧЖ куйидаги автомобилларни таклиф этади.
Маҳсулот сертификатланган

Барча бож тўловлари ҳисоби билан
Тошкент шаҳри, Х.Абдуллаев кўчаси, 54А. Мўлжал: метронинг Буюк Ипак йўли бекати.
Тел.: 323 2566, 140 0061/62, 175 6975. www. kiamotors.com

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-940. Адади 3619. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 2 3 4 5 6